

Европарламент делегацияси Ҳазрати Имом мажмуаси билан танишди



09:59 / 01.11.2018 2385

Европа парламентининг Ивета Григуле-Петерсе бошчилигидаги Марказий Осиё мамлакатлари ва Мўғулистон билан алоқа бўйича делегацияси мамлакатимизда бўлиб турибди. Бу ҳақда ЎЗА [хабар берди](#).

Делегация аъзолари 31 октябрь куни Тошкент шаҳридаги Турин политехника университети раҳбарияти ва талабалар билан учрашди.

Меҳмонлар дастлаб саноатнинг юқори тармоқлари бўлган автомобилсозлик, қурилиш архитектураси ва ахборот технологиялари, авиакосмик муҳандислиги соҳаларида кадрлар тайёрлаш жараёни, таълим сифати, талабалар учун яратилган имкониятлар билан танишди.

- Турин политехника университети мисолида Ўзбекистонда фан-таълим тизимида кечаётган жадал ривожланиш жараёнига гувоҳ бўлдик, - деди Европа парламенти аъзоси Йоахим Целлер (Германия). - Профессор-ўқитувчиларнинг Италия, Германия, Япония ва Жанубий Корея каби давлатларда малака ошириб қайтаётгани иқтисодиётнинг реал секторлари учун малакали кадрлар тайёрлашда халқаро тажрибани ўзлаштириш имконини беради.

Шу кунини Европа парламенти аъзолари Ҳазрати Имом мажмуасида бўлиб, бу ердаги тарихий-маънавий обидалар билан танишди. Юртимизда маданий меросни асраб-авайлаш, уни тарғиб қилиш борасида амалга оширилаётган ишлар меҳмонларда катта қизиқиш уйғотди.

***Islom.uz* портали таҳририяти**